


БОЙМОҚЛИ МАҲАЛЛАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР



Қумқўрғон тумани 2-сектор ҳудуди Боймоқли маҳалласида янгиланишлар бўй кўрсатмоқда. Давлат раҳбари бошчилигидаги ислоҳотларга маҳалла аҳли қалбида шукроналик ва катта қувонч билан гувоҳ бўлишмоқда.

Шу кунга қадар Боймоқли маҳалласининг ўз биноси бўлмаган. Бу албатта, маҳаллага келган фуқаролар учун ноқулайликларни юзага келтирган. Ҳозирда эса замонавий ва барча шароитларга эга янги маҳалла биноси қад кўтарди.

Ушбу бинонинг очилиш тадбирида туман ҳокими Р.Гаппаров, сектор раҳбарлари ва нуруний отахонлар иштирок этишди.

Бюджет даромадларини орттирилган маблағларидан ушбу маҳалла барча зарур мебел жамламаси ва компьютер техникалари билан жиҳозланди. Ҳар бир ходимга алоҳида хоналар ажратилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 323 миллион сўмни ташкил этади.